

Оилд жамғармаси

ВА

37
сон
15-22
сентябрь
1999 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қызлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



ОИЛАМ - КЎШ ҚАНОТИМ

“Агарки маданият одамзотни яхшилик сари бошлидиган, дунёни нурафшон айладиган, жоҳиллик ва ёвузликни даф этадиган, бир сўз билан айтганда инсонни инсон қиласидиган қудратли куч бўлса, дунёдаги энг улкан ва таъсирчан маданий бойлик – бу мусиқа санъатидир”.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Мустақиллигимизнинг 8 йилининг нишонлаш арафасида кўхна ва нақвирон Самарқанд шахрида “Шарқ тароналари” II Халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 35 та мамлакатидан келган санъаткорлар “Энг яхши миллий кўшик учун” танловида иштирок этилди. Биз учун энг кувонарлиси шундаки, фестивалда ҳамюртимиз Насиба Саторова энг олий мукофот - Гран -прига сазовор бўлди. Шу муносабат билан биз Насиба опа ни сұхбатта тортидик:

Насиба опа, тўғриси ни айтинг ушбу фестивалда Голиб бўлман деб сира ўйлаганимдингиз?

Болалигимда онам раҳматлики бир мақолни кўп-кўп айтгувчи эди: “Айик билагига ишонади, одам юрагига...”

Яширмайман, ҳар қалай голибликка унча интилиш бўлмасада юрагимда қандайдир умид, ишонч йўқ эмасди. Биласиз-

ми, бу ишончни менга Ўзбекистоним ортида турган миллионлаб қора кўзлар берди. Мана шу туйгу овозимга куч, юрагимга мадад бағишилади.

Сир эмас, сиз танловда “Чоргоҳ” хамда “Ёр васфи”- 1-2 кўшикларини ижро этдингиз. Улар хали тили билан айтганда “Катта ашула”лар хисобланади. Ана ўша саҳнадаги ижро жараённида сизда кўркув ёки сўзлардан адашиб кетиши холлари юз бермадими?

Йўқ. Мен бу саҳнага шунчаки мажбурият ёки ном қозониш учун эмас, ўзбек санъати шашнини химоя килиб чиқдим. Мени ҳам саҳнага етиб келгунимга қадар худди шу савол кўркитанди. Оллоҳ мадад бердими, ҳаммаси ўзим кутганимдан ҳам айлороқ даражада ижро этилди. Мусиқа ҳам, шеър ҳам юрагимга кўйлиб келаётганидан шошиб қолдим.

Насиба опа, ҳозир 3-4 та кўшиқ ижро этиб кўйиб ўзларини “юлдуз” санаб юрган санъаткорлар ҳам орамизда йўқ эмас. Сиз буларга қандай қарайсиз?

Тўғри, баъзи бир санъаткорлар катта-катта концертлар беради. Халқимизга видеокассеталар тақдим этади. Улар ўзларини санъаткорман деб тан оладилар. Кунлари ҳам электори ўтаверади. Мухими, улар, “Мен кўшик куйлаяпман”, деб ўзларини овтуладилар. Ваҳолан, Оллоҳ томонидан берилган талант санъаткорни бешигидан то кабригача бирга боради. Санъаткорни ҳамиша яшашга, куйлашга ундан туради.

Агар ичинингизди “мен”ингиз сизни алдаб юраверса-ю, бир кун бориб ҳамма нарса ёлғон эканлигини сезиз колсангиз бундан фожеалироқ нарича бўлмасада керак.

Демак, чинакам истеъодод соҳиблари ўзларини ўч қачон “мен энг зўр санъаткорман” деб тан олишимас эканда?

Шундай. Инсон бир умр ўзининг кимлигини билишга интилиб яшайди. У ўзига юксак баҳо бериб кўйган куни ҳаммаси тамом деяверинг.

Насиба опа, озигина жиддийлашиб кетдик. Келинг оила, бола-чақа, унинг сирли сандиқлари хусусида ҳам сұхбатлашсак.

Жоним билан Ўзбекнинг онасини гапитираман десангиз фарзандидан сұранг. Унинг яхши-ёмон киликарларидан сұранг. Олти ёшли ўғлимиз Сайдмуҳаммадни ажойиб одати бор. Ҳамма болалар онасидан эртак сұраса, менинг ўғлим кўшик айтиб бершилени сұрайди. То кўшикни тугатмаганимча ухламайди. Ишдан келиб “Кўп тўплон қильм ўтлым, жуда ҳам чарчадим”, десам, “Аյжон, ундай деманг сиз чарчасангиз ким кўшик айтади”, дейди. Кўрдингизми, мана шу муштумдеккина бола ҳам мени кўпроқ ишлашим, меҳнат килишим кераклигини таъкидлаб туради. Дадамиз Рустам Абдуллаев ҳам яхшигина санъаткор. Дастрхон тепасида ҳам, қозон товок устида ҳам ҳамиша бирга кўшик яратамиз. Мен у кишидан доимо руҳий кувват олиб турман. Баъзан ташкунликка тушган пайтларим: “Насиба, ўзингни кўлга ол, биз ҳали кўп ишлар килишимиз керак”, дейя юлатади. Яхшиям менинг иккى кўш қанотим оиласибор. Ҳамиша кўнглум хотиржам.

Дўстлини дондоңдан, душмани доно яхши”, дейди халқимиз.

Тушундим. Дўстларингиз кўпми, демокрatisiz. Албатта, дўстларим кўп. Чунки мен уларга дўст бўла оламан. Оила, фарзанд ўз йўлига. Улар ҳам вақти келиб ўз дилдошларини топиб кетишиади. Атрофинизда дўстларингиз кўп бўлса турмуш яхши ўтади. Аксинча, дўстсиз ҳаёт бемояни кечади. Даражтнинг тути битта бўлса ҳам шохининг кўп бўлганини яхшида.

Мен жуда кўп кузатганиман.

А. МАВЛОНОВ сурати



Эстрада оҳангидаги кўшик айтадиган санъаткорларнинг ўзларини тутишлари ҳам бошқача, шўй-шаддод, мұмтоз санъаткорларни эса характерлари бошқача бўлади. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

Одам ҳамиша ўзидан келиб чиқиб куйлади. Мен эстрадани тақиқ кўлмоқчи эмасман. Унга ҳурматим жуда баланд. Лекин классик кўшикчилар оғир вазмин, ҳар нарсанни ўйлаб гапирадиган бўлишиади. Мен буни кўп синаганман. Чунки, катта кўшикларнинг фалсафаси, мавноси кучли бўлади. У ҳар қандайди одамни ўз йўлига бошлайди. Умуман санъатни севиб, унинг ишқида ёниб яшаганга нима ётсин.

Мазмунли сұхбатинг учун раҳмат! Биз ҳам ўз навбатида сизга ижодий муввафқиятлар тилаймиз.

**Нигора Йўлдошева
сұхбатлашди**

АЛПОМИШ

(Боши ўтган сонларда)
Мазмуни

Калмоқ вилоятида Сурхайил деган бир айёр кампир бор эди. Унинг еттита ўғли бўлиб, еттиси ҳам алп, ёйандоз, мерган йигитлар эди. Достонда улар шундай кўтариб тасвирланади: "Хар қайси си тўқсон ботмон соювут кийган, ҳар куни тўққиз ширбознинг этини татил (нонушта) қўлган, тағин: подшохликдан ҳар ойда беш юз сўмдан мояна олишар эди".

Тағин: бу аллардан Қалмоқшохнинг ўзи ҳам кўркар, уларнинг раъйига қарап эдик, шу боис Сурхайил кампирнинг ҳам иззат-хурмати баланд, шоҳ унинг гапини икки қиолмас эди.

Ана шу кампир денг, бир куни Тойчихоннинг хузурига бориб, шундай деди:

Шоҳим, сенга арзим баён қилайн,
Каттамсан-да, бир гап келди, сўрайин:
Чилбирин чўлни томоша қип келайнин,
Ўзбаклар яшиши қандай - кўрайин.
Яхши-ёмонини онгуб (пойлаб) билайн,
Рұксат берсанг, энди турмай борайин...

"Қалмоқшоҳ ул бойларнинг ихтиёрини ўзига берган эди. Бу сўларни Сурхайил мастан (ёсуман, маккор)дан эшитиб, борма деб айта олмай, кампирга жавоб берди".

МОНОНИНГ ЭНГ КЕНЖА ЎҒЛИ, КЕНЖА БЎЛСА ҲАМ АКЛЛИ, ФАРОСАТИ ҮҒЛИ ҚОРАЖОН БИР ТЎҚАЙДА УЧ МАХРАМИ БИЛАН ОТ ЎГЛАТИБ ЮРИБ ЭДИ. ОЛИСДАН КЕЛАЁТГАН ОНАСИНИ КЎРДИ, УНИНГ ЁНДИА ЯНА САКСИТА КАМПИР БОР ЭДИ. ҚОРАЖОН ЧАМАЛАДИ ҚАРАДИ: ОНАСИ БОШЛИК МАСТОНЛАР ЎЗБЕКЛАР КЎНГАН ЎРГАТА БОРИШАЁТИР.

У ОНАСИННИГ ФЕЛЬНИНГ ЯХШИ БИЛАР ЭДИ. ШУННИНГ УЧУН: "Бул иймонисиз бир шумлини ўйлаған. Мусофири бойларнинг кўнглига озор бераров", деб онасининг йўлига чиди:

- Каватингда тўққиз кампир, энажон,
Ўнта бўпсан, эна. Сенга йўл бўлсин?
... Эна, қайтгин, борма Чилбир чўлига,



Оралама ўзбекларнинг элига...

Кампир айтди:

- Йўлдан урма, Чилбир чўлга борайин,
Назар солиб ўзбекларни кўрайин.
Ўзбекларнинг яхши қизи бор бўлса,
Боши бўшми, дейин, аввал сўрайин,
Яхши қизнинг агар боши бўш бўлса,
Келин қилиб, рўмол ўраб келайнин.

Бу гапни эшитган Қоражоннинг димоги чоф бўлиб: "Эна, галинг кўнгилдан бўлса, сен келгунча мен шу ерда тураман", деди.

Сурхайил кампир йўлига кетди.

Хуллас, маккор момо Ойнакўла гетиб, Бойсарининг ўтовини топиб, унинг итларига таланиб, бир амаллаб баҳмал уйга кириб олади.

Бойсарининг хотини кампирдан афу сўраб, итларнинг мундайчака одати ўйқулини айтиб, сандигидан янги кийим-бўши олиб, Сурхайилга ҳам, бошиқ мастанларга ҳам кийгизди. Кўшни ўтвуда Барчин ҳам қиркин қизлари билан ўтирган эди, шовқинга келиб, кампирларнинг аҳволини кўриб, уларга ачиниб, пойгандан жой олади. Шунда кампир Барчинга зеҳн солиб: "Бизнинг Қоражонга лозим қиз экан..." деб кўнглидан ўтказади-да, бойбичадан сўрайди:

- Қозонда қайнаган ширбоз гўши миди,
Шу кизингни агар боши бўши миди?
Боши бўшми дейин, сендан сўрайин,
Келин қилиб, бирор рўмол ўрайин.
Бойбича жавоб беради:

- Қозонда қайнаган ширбоз гўш эмас,
Бу кизимнинг боши сира бўш эмас.
Кизим қаллик бобосининг улига...

Сурхайил кампир тап тортмайди:

- Бойбича билмадинг айттар сўзингни,
Термилтмагин бунда иккى кўзимни.
Барчин кизинг Қоражонга лозимди(р),
Ҳазил билма менинг айттан сўзимди...

Бойбичанинг жаҳли чиқади:

- Ҳабар берсак, бек Алломиш келмайми
Келса, Қоражондай ўғлинг ўлмайми?
Сурхайил момо ўнридан туради:

- Олтойчалик йўлда кўёв бўлами,
Шундан келиб сенинг кизинг олами,

Келса, бу аллардан омон қолами?

Шунда орага Барчин ҳам тушади ва мастанларни хайдаб юборишида. Мастанлар орқага қайтиб келишаркан, Қоражон алп тағин онасининг йўлини тусади.

Она шу кампир денг, бир куни Тойчихоннинг хузурига бориб, шундай деди:

-... Бойсарининг яхши қизи бор экан,
Оти Барчин, ўзи зулфакдор экан.
Ойдайин барқ урар анинг жамоли,
Одамни балқитар текса шамоли.

Оила ва жамият 3

"АЛПОМИШ"НИ ЎРГАНАМИЗ

Шу бугун қалликка (куёв билан қизнинг хуфё-на учрашуви одати) боргин, Қоражон, Ўзбакларнинг расми шундай бўлади...

Қоражон хурсанд бўлиб, маҳрамларига айтиди: "Бир нечанг жаҳонни сайр этиби юрган, бир нечанг рўзгор кўрган... Биз ўзбакларга кўёв бўлдик, ўзбакни расм қилиб қалликка борайлик", деди.

Хуллас, Қоражонни шайлаб, кийнириди, Бойсарининг ўтовига олиб боришида. Аммо унга бирор кимсан, деб қарамайди. Қоражон юра-юра изза бўлиб, орқага қайтади.

Шу бўйи акалари кўниб ётган Қашал горига боради. Воқеани эшитган катта акаси Кўкаман Қоражонни уришиб беради: "Сен жуванмарг тўнгич акангни кўзи тик туриб, ўйланмоқчи бўлассанми? Ахир, ўз чеч (кеннонијига борганингни билассанми!" деб йўлга тушади. уни кўрган бозшка укалари ҳам эргашади.

Бойсарининг ўтовига этиб бориб, канизаклардан Барчинни сўрашида. Барчин уларнинг олдига чиққач, Кўкаман алп шундай шарт кўяди:

"Ё баримизга тегасан, ё баримизга тегасан!"

Барчин жавоб қайтариби:

- Оти Алломиш ёрим бордир,
Бойсинда шункорим бордир...

Хабар берсам, бек Алломиш келмасми?

Аллим келса, сендан қалмоқ ўлмасми?

Гар келмаса, тақдиримдан кўраман,

Эррак либосини ўзим килярман...

Бор кучини билагим жиярман...

Ўзбакнинг қизи деб бунда турмагин...

Кетгин, бадбах, келган йўлдан қолмагин...

Бу сўларни эшитган Кўкаман алп, - бундай катта гапни эшитмаган эмасми, - аччиғига чидай олмай айқидай чинқириб юборади... Нихоят, Барчиннинг отаси Бойсарини чақириб, унга воқеани баён қилишади. "Кизинги ё биримизга бер, ё баримизга бер", деб, кизини бермаса, элини ҳароб қилиб, мол-ҳолини талаб олишарини айтишади. Бойсарининг хаёли қочиб, нашаси учиб: "Эртан чошгоҳча мухлат беринглар", деб илтижо қиласди.

Аллар қайтиб кетишида. Бойсар эса элининг "одамман" деганини йигиб маслаҳат солади:

Маслаҳат бер, ўн минг ўйли кариндош,

Аллар келса, нима жавоб бераман?

Қалмоқларга қизим қандай бераман?

Юрагим тўлди-ку дийдаи гамда,

Машҳар куни Барчин кўли ёқамда-

Барчинойни тенгкурига кўшмасам...

**Мазмун матнини филология
фанлари номзоди Сайёра Холмирзаева
тайёрлади.**

МАЪМУРЖОНЛАР
КУЙЛАСИН

Яқинда Фарғона вилоятида яшайдиган бир дустимининг ўйил тўйида бўлган эдим.

Базм оқшомида барча йигилганларни, ширали овози билан ўзига ром этиб олган ҳофиз йигитнинг кўй, кўшиклари менин ҳам лол қолдири.

Хофизнинг кўшиши тугагач атрофда гулдуорс қарсаклар, қарсакларга уланиб кетди. Айниқса, даврадаги кексаларнинг: - Отангга балли, Маммуржон Узоқовдек мартабага эриш!-деган овозлари баралда эшилтиди.

Мени шу йигинда барчани доғда колдириган, ҳали радиотелевиденинеда ҳалқа танилмаган ҳофиз йигитни кимлиги кизиқтириб қолди.

Хуллас тўйдан сўнг ўша ҳофиз йигит билан сұхбатлашдим. У ҳофиз йигитнинг исим-шарифи Маммуржон Ҳасанов экан.

Бу йигит, тумандаги Алишер Навоий номидаги 13-сон ўрта мактабда мусикадан дарс беради. Мактабда Маммуржоннинг ташабуси билан "Гуллопа" дастаси тузилганига 15-йил бўлди. Тумандага ўтказиладиган тадбирларда "Гуллопа" дастаси фаол иштирок этиб, йигилганларга янги-янги кўшикларни тақдим килиб келади. Биз яқинда Фарғона вилоятида бўлиб, Маммуржон Ҳасанов билан сұхбатда бўлдик. Маммуржон бўлишича, отаси Ҳамидбой ота 91 йил умр кўрган эканлар. 5 ўғил, 2-қизни оқила рафиқаси Ҳайратйот а билан Ҳамидбой ота ўзбек халқининг машҳур ҳофизи Маммуржон Узоқовнинг ашаддий муҳлиси бўлиб, шу санъаткор иштирокидаги барча концер-

тларга этиб борар экан. Санъатга ўта ташна бўлган Ҳамидбой ота ҳеч бўлмаса Фарзандларидан бирни Маммуржон Узоқовдек ҳофиз бўлишини ният қилиб, улардан бирига Маммуржон деб исм кўйганлар.

"Яхши ният, ярим давлат"- деб бежиз айтишмаган экан. Ҳонадоннинг бешинчи ўғли Маммуржон ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидан ётсанга мэҳр кўйди. Мактабдаги мусика тўғрагига қатнаб, кўшиклиниң сир-асорларини ўрганди. Кўлига рубоб олиб турли кечаларда ўз иқтидорини намойиш этиди. Кўшик кўйлашга бўлган иштиёқ, уни Фарғона шахридан Улубекномли олий ўқув даргохига етаклади. Йиллар ўти. Институтни туттаган Маммуржон ўзининг кадрдан мактабига мусика, ўқитувчиси бўлиб келади. Унинг ижросидаги "Ушшок", "Қоракўзим", "Муножат", "Онажон" каби ўнлаб кўшикларни, айниқса кексалар мазза қилиб тинглашанини гувоҳи бўлдими.

Маммуржоннинг рафиқаси Мадинонан Кўзибоева туман поликлиникасида шифокор. Фарзандлари Камолаҳон билан Миржаҳон ўрта мактабда таҳсил олади. Мен ҳалқимиз орасида "Маммуржонлар кўйлайверсин" дейиш билан бир каторда, келгисида уларнинг издошларини янада ортишини, улар ижросидаги кўшиклар ҳалқимиз қалибдан жой олишини тиаб қоламан.

САИДАХМАД.

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Куни кечя Фарғона шаҳрида хотин-қизлар сиёсий, ҳукукий билимини ошириш мавзусида хотин-қизлар кўмиталарининг Республика мінтибият семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Андикон, Наманган, Фарғона вилоятлари ва туманлар, шаҳарлар хотин-қизлар кўмиталаринида рахбарлари, фаол аёллари, маърифат, ҳукук-тарғибот идоралари вакиллари иштирок этилар.

Анжуман қатнашичилари Фарғона ва вилоят хокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Н.Мўмінов кизлар табриклидиди. Хотин-қизларни бунёдкор меҳнати, жонкуярликлари чакида тўлқинлабиб сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Гуломова янги оила кураётган баҳтили келин-кўйлар И.Ҳалилов-М.Абдуллаевида ва Д.Хатамов-К.Жўраевларга семинар иштирокчилари гувоҳлигидаги эр-хотинлик гувоҳномаларини таннани суръатда топшириди.

Мухтор БЕК

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Ҳар бир партияниң ўз олдига кўйган мақсад ва вазифалари ҳамда фоялари бор. Шунингдек, Фидокорлар партисининг ҳам. Уларнинг асосий шири "Халқимиз, миллатимиз дардига дармон бўлайлик!"

Фидокорлар партиси миллӣ юксалиш, ҳаётни, жамиятни ўйғошиб кетди. Унда "Фидокор" партисининг бош котиби Эркин Норбўтаев, "Фидокор" газетасининг бош муҳаррири

Жалолиддин Сафоев ҳамда журналистлар иштирок этишиди. Ушбу йиғилишнинг асосий мақсади Ўзбекистон Фидокорлар миллӣ демократик партисининг сайловолди ҳаракат дастури лойиҳаси билан кенг жамоатчиликни танишишириш эди. Журналистлар ўзларини кизиқтирган масалалар юзасидан саволларини беришди. Бу дастур Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

Хонбии МАҲАМОВА

Бу мақолани ўқиб, ўрганиб чиқдим. Миямни гүжғон фикрлар чулғаб олди. Бу фикрларимни ўқувчиларга баён қиласасам, тоқат килиб туролмайман. Бу фикрларим хаммаси Адолатга, Одилликка ундаиди. Мұхаммадур Расууллоҳ, замонасида, Пайғамбаримздан кейин, Ҳазрати Умар халифа бўлиб, у жуда адолатли бўлган экан. Бир куни бир кампинг бир етим бола шўхлик қилиганида "ҳа, етим", -деб қарғаган экан. Кампиринг бу ҳақоратидан ўксинган бола шу заҳоти Умар шоҳга бориб "Мени ота-онамни топиб берасиз", -деб йиглабди. У бола ниҳоҳис дунёга келгани учун, онаси туғиб, ташлаб кетган экан. Болани ҳар ким тарбия қилиб, бироз эси кириб кўчада ўйнаётган экан.

Умар шоҳунда одамларни бирма-бир сўрқ қилиб, олдин онасиши, кейин отасини топиб берган экан. Шундай адолатли, одилона ишларни кўп қилганинги учун, унга ҳалк "Умарни Одил", - деб ном беришган экан.

Бир минг тўрт юз йилдан бери бу ном дунёда ҳалклар ўртасида оғиздан-огизга кўчиб, эъзозланни келинганини. Мен бу мисолларни нима учун келтирайман? Ҳар бир ишни воқеаларни, келишмовчиликларни, мурасасизликларни тўғри мулхоза килиб, тўғри фикр юритишимиш керак. Ҳамиша адолатли, одилона ҳукм чиқаришимиз лозим, шундагина биздан Оллоҳ рози бўлади.

ЎЗИНГИЗ ПИШИРГАН ОШ... “ЧОРА ТОПОЛМАЙ КОЛДИМ”-24-сон

Беҳруз! Сиз Мадинани чин дилингиздан севмагансиз, шунинг учун ҳам унинг бошқа бир йигит билан гаплашиб турганини кўриб оқсангиздан вон кечдингиз. Агар шу йигит унинг синфодиши бўлмаса ҳам бирор танишидир. Ҳақиқатдан ҳам тасодифан учрашиб қолиб, шунчаки гаплашиб туришгандир.

Беҳруз! Мен сизни гулдан гулга кўнучи капалакка ўштадим. Бўлмаса арзимаган сабаб учун Мадинани унтиб, тезда Ниғорани топмаган бўлар эдингиз. Сиз ёнгилтаклик билан гуноҳни килиб кўйибиз.

Энди ўзингиз пиширган ошни айланниб ҳам, ўргулиб ҳам ўзингиз ейсиз. Бошқа иложингиз ҳам йўқ! Мадинани баҳтиси қилишни ҳам, фарзандингизни тирик етим қилишга ҳам ҳақингиз йўқ! Сиз фақат Мадина билан бирга бўлшингиз керак. Ниғора эса ўз баҳтини бошқа одамдан топади. Факат сиздан змас!

Замирахон ҲАМИДОВА,
Фарона вилояти, Кува шахар,
2-ўрта мактаб ўқитувчиси

ВИЖДОНИНГИЗ ҚИЙНАЛМАСИН “ЧИРОЙИМ БОШИМГА ЕТДИ” - 27-сон

Хурматли Садаф опа, дил изҳорингизни ўқиб ростини айтсан сизга нафратим эмас балки сизга бўлган хурматим янада ошиди, чунки сиз бу дунёда энг асосий нарсани тушуниф олдингиз. Бу асосий нарса хатоингизни тушуниф етдингиз.

Сизга бўлган маслаҳатим Оллоҳим сизни бир бор асрабди, оилангиз бузилишини хоҳламабди. Оллоҳ бу сирни сирлигича қолдирибди, нимага сиз буни ошкора қилишингиз керак. Тўғри, хозир виждонингиз қийналяти, лекин ўзингизни кўлга олинг. Ёникозон ёнигилитига колсин. Бу сирингизни турмуш ўтингизга айтишингиз шарт эмас деб биламан. Чунки ёркаклар бу дунёда ҳамма нарсани кечириши мумкин, лекин хиёнатни асло кечиришмайди.

КИМКИ ЯХШИЛИК ҚИЛСА... “АЁЛ ЙИГЛАМАСИН ДУНЁДА”-6-сон

Эслатма: Нафиса Аннаеванинг бу мақоласида келин бўлиб тушган хонадонида рўшнолик кўрмаган Мавжуда исмли аёлнинг кечмишлири ҳақида ҳикоя қилинганди.

Кимки биринчи оиласини қадрига етмай, уни ҳўрласа, иккинчи оиласидан зулм, жабр-жафо кўради. Ўзи ҳўрланади... Аттан қиласди. Дарди ичида бўлади, бирорларга айтолмайди. Кейин эса кеч бўлади. Мен ёшлигимда катта оқосколлар билан субхатлашиб уларни насиҳатларини эшитганиман. Батзиларининг аттантарларини, ба ўйда адашганинги эшитганиман. Ҳатто улардан бирининг "Жуфти ҳалолинг тирик бўлса феълидан, қанакалигидан катъий назар, ажрашмаслик керак, кейинги биринчисига ўшшамас экан", - деганди. Айниқса, болалик бўлганда ажрашиб, болаларни тирик етим қилиш, гуноҳ эмасми? Аслида оиласидан бокси ёрғакинг иши, аёлларнинг иши ўй-рўзгор юмушлари билан шугулланыш, болаларни тарбия килиши шоҳказолар.

Эй Мавжудаҳон қизим, кўлам хафа бўлаверманг. Сиздан ажрашиб энризинг яна уйланшиб кўрсун, болалик бўлсин, ўшанда "Қадрингга етмабман, эй биринчи ёр", - дейди.

Сизни ҳам қадрингизга етадиганини киб, биринчисидан кўрмаган илти-

фотларни иккинчисидан кўрсангиз ажаб эмас.

Ўша қайнотангиз ҳам бошқа келин олиб, хизматига солиб кўрсун. Барбири сезига ўҳшатмайди, дарди ичида бўлади, кейингисини ёмонини айтолмайди.

Шу ўринда ўғлини уйлантираётган ота-оналарга адолат йўлини эслатмоқчиман. Бир бандан бечора қизини ўн саккис йил тарбия қилиб, бир уйни тўлдирадиган уй анжомлари, ҳатто идиш-төвокларгача бир машина қилиб, қизини сизни хизматингизга олиб келиб берса-ю, яна баъзиларингиз униси кам, буниси кам, кизингиз хом экан дейиз. Агар қиз ўй ишларини тўла дастига олопмаса, унда сиз билмаганини яхшилик билан тушунтириб, ўргатинг. Янги келин бўлиб тушган қиз мисоли бир мевали кўчкат бўлади. Уни қанчалик яхши парвариши қилсангиз, шунчалик тез қўқарип, томир олиб, ўрганиб, кўнкини кетади.

Ей ишлайдиган кизлар келин бўлиб борган бўлса, албатта уй ишларини тўлиқ бажаришга улгуромайди. У холда ўша келинга ишлаш

учун албатта шароит яратиб беринг! Келин сизни хонадонингизга келган кундан бошлаб у сизни фарзандингиз, сизни оилангизга битта хизматкор, баракали фарзанд кўшилди. Ўша кундан бошлаб, ўз фарзандларингизга қандай меҳрибонлики қилаётган бўлсангиз, келинга ҳам шунча меҳрингизни аямайсиз. Ана ўшанда сиз адолатли шоҳ, бўласиз.

Баъзи ота-оналар келини касал бўлиб қолса, "Онанизинг олига боринг, дъаволаниб келасиз", - дейишиади. Сизнинг оилангиз аъзоси бўлганидан кейин энди соғи ҳам, касали ҳам сизники. Янги ўйланган йигитларга ҳам айтадиган гапим шуки, қалиғининг ҳамма кирдикорларини ота-онасига оқизмай-томизмай айтавериш ўрнига, "манови ишларингиз менга тўғри келмаяти, буни мана бунақа қилинг?", - деб ўргатсалар, учкун алангага айланмаган ўчади. Қишлоғимизда янги бир келин кўрпани меҳробга яхши жойлаштириб йиголмабди. Қуёв бола ҳалиги йигилган кўрпаларни пастга тушуриб, бошқатдан чиройли қилиб йигишини каллиғига ўзи ўргатган экан. Буни эшигит ҳаммамиз койил қолдиди. Йигит ойликаноб, оқилу фаросатли иш тутган. Ҳозир улар невара-чеварали.

Эй азизлар ҳар бир келишмовчиликларни адолатли ҳал қилийлик!

**Зокирхон ИБРОХИМОВ,
Андижон вилояти**

ҲАЁТДА ЎЗ ЙЎЛИНГИЗНИ ТОПИБ ОЛИНГ “ЮРАГИМ ДАРДИГА МАЛҲАМ ИЗЛАЙМАН”-23-сон 1998 йил

Лобархон, қалбингиздан отилиб чиқкан сўзларингизни ўқиб қаттиқ ўйга чўмдим. Негаки ўзим йигит киши бўлганинг сабабли тақдир чорраҳаси бунчалар бешафқат айланишидан ағоссланиб кетаман.

Нега инсонлар ҳамиша бир хилда яшашмайди, нега соғ виждонли, меҳр-оқибатли бўлишмайди. Ахир юртимиз мустақил бўлиб, Президентимиз ўзбек ўзлигини англасин, деб саъй-ҳаракат килиб яхши ҳаёт-

га йўллаётган бир пайтда биз нечук бунча бефарқиз? Нега белига белбоғ бўллаб, кўракагига муштариғатидан йигитларимиз ўш бокира қўзлар ор-номуси ва ифратини оёқ кишилишадан тақлиф қўлганлар бўлди. Баъзилар унга мадад кўлини чўзиб ёрдам бердирилар ҳам. Лобарнинг эсон-омон кўзи ёриди, ўғлини бўлди. Айни дамда бир корхонада ишлаб ўғлини волга етказапти. Лобарга қаратса ёзилган мана бу акс-садо ҳали ҳамон ўз илоҳий қувватини йўқотмаган маслаҳатга яна зор кимнингдир қалбига ёруғлик баҳш этади, деган умиддамиз.

Эслатма: Лобар ўз дил изҳорида бир бевафо йигитга ишонгани туғайли адашгани, алдангани, хомиладор экани ҳақида ёзганди. Бу ҳақдаги акс садоларга яқин-йироқдаги муштариғатимиз унга ҳам дардлик изҳор этишган, ҳатто тигулаҗак фарзандини ўз қарамоқларига олишина ҳам тақлиф қилишганди. Лобарга турмуш куришини тақлиф қўлганлар бўлди. Баъзилар унга мадад кўлини чўзиб ёрдам бердирилар ҳам. Лобарнинг эсон-омон кўзи ёриди, ўғлини бўлди. Айни дамда бир корхонада ишлаб ўғлини волга етказапти. Лобарга қаратса ёзилган мана бу акс-садо ҳали ҳамон ўз илоҳий қувватини йўқотмаган маслаҳатга яна зор кимнингдир қалбига ёруғлик баҳш этади, деган умиддамиз.

Килишга уринмади? Сиз рози бўлмаган тақдирда ҳам ота-онангиз, маҳалла-кўй олдида тўй қилиб ўз никоҳига олса бўлларди-ку. Қодирнинг қалб кўзи бунчалар кўр бўлмаса. Йигит номига доғ тушариётан бундай кимсалар борлигидан минг бор афсусланманам. Синглим Лобархон, тақдиринг ачиқ қисматига шунчалир дош берисиз, бунинг учун сизга раҳмат. Синглим нима бўлганида ҳам ҳаёт-

нинг ачиқ-чучугига чидашингизни, турмушини бўронли йўлларидан сабр-тоқат ва бардош-илятишингизни истардим. Бир номардни деб ўзингизни хору-зор қиласлигингиз керак. Ҳаётнинг паст-баландига қараб, ақлу фарсатингизни топиб олсангиз яхши бўларди. Сиз Лобархон ҳоҳ ўғил, ҳоҳ киз бўлсин бор меҳр ва муҳаббатингизни дунёга кела-жакбегуна, беғубор жажжи фарзандингизга ҳалиги башхада этишингиз керак. Негаки, дунёга келдиган фарзандингиз аввало Она деган мукаддас мунис инсон меҳрига зор бўлади. Негаки Ота ҳеч қаҷон она-зордек бор меҳр-муҳаббатини фарзандига баҳхшида этолмайди. Лобархон, Сиздан илтимосим шуки, Сиз бор-ҳақиқатни волидай азизангизга сўзлаб беришингиз керак. Нима килгандা ҳам ул киши сизни оқ ювб, оқ тараган, катта қилган, Онангиз... Ҳар қандай қийинчиликда ҳам она ўз фарзандига яхшиликин кўзлади. Дунё яхшиларга тўла, ишонинг-зора сизни ҳам баҳти киладиган мард йигит топилиб қолса...

**ХУСНИТДИН,
Карши**

ЮРАК АМРИ-ЛА ИШ ТУТИНГ “МЕНГА ШУНЧАКИ УЙЛАНГАН ЭКАН”... 16-сон

Нилуфаржон, фақат ёзаётган сўзларимдан ранжимаган. Биринчи ўринда бу ачиқ қисматингизни айбиз айбори ўзингизни. Чунки ҳали тўйининг бўйлам турбига унаширилган йигитга ўз ор-номусингизни, қизлик ифратингизни ҳади этиб, орада бўлиб ўтган барча вожеалар учун ўша даврдаёт имконият яратиб бергансиз. Бу сизнинг кечириб бўлмайдиган хатоингиз бўлган. Сиз бўллажар экингиз олдида ўшандай ўз-ўзингизни камситиб, аёллик ҳақ-ҳуқуқингизни паймой этгансиз. Билиб-билим ҳаётингизни мард билан эмас, ҳақиқийномард қўлига топширган экансиз. Сизни шунчалик қилинг яхшиларини рост бўлса агар, ҳақиқатдан ҳам у сизга севиб ўйланмаган экан! Бундай эрга са-

дқаи одамийлик! Менимча сизнинг ҳаётда борлигингизни эрингиз ҳеч қаҷон ўйламаган. У томондан қайтиб келсаем, билмадим, сизни хотин сифатидан ҳурмат қилиб яшаша сураси фақат Яратганга мълум.

Мен фақат сизга сабр-бардош тилайдим. Сиз уни қонунги хотини бўлсангиз узис ЗАГС қоғози йиртилмаса ажраси олмайсиз. Балким у томонлардан хатоларини тушуниб келар. Сизга хозир бирор йўл-йўрик кўрсатишга оқизлик қиласди. Фақат ўз юрак амрингиз ила йўл тутинг. Сизга сабр-бардош тилаб қоламан.

**Самад БОЗОРОВ,
Бухоро вилояти, Когон тумани.**

ТАБРИКЛАР ВА ЭЗЛОНЛАР

Умиджон ва
Абдуссоннинг
онажониси
ЗУЛХУМОР РАСУЛОВА!

22 сентябр 33 ёшинг
билин чин калбдан борил-
майман. 33-33-66 ёшинг-
да севимли кайнона ва се-
вимли буврекон бўлиб юри-
шинги Олдоҳдан сўраб
қолувчи ўзинг билган,
инсон.

Кадрли Абдилла ака
УМАРОВ!

Туғилган кўнгиз мубо-
рак бўлсени. Энг юксак ор-
зуларингиз рӯбобга чиқ-
син.
Эзгу-истаклар билан
уқангиз,
Темур ЖОВЛИЕВ.

«ДИЛОРОМ» ўкув маркази тақлиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия хисоби
3. Зардузлик - буҳороча
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириши.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-би-
чиш, моделлаштириши.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия хисоби
2. Инглиз тили (бoshловчилар ва давом эти-
тирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 “А”-й,

1-кават, 115- хона

Тел: 144-58-34; 58-48-50.

Мўлжал: “Алишер Навоий” метро бекати.

Гиёҳлар ёрдамида озиш, семириш,
ажинлардан фориг бўлишига ёрдам бе-
рамиз.

Тел: 199-31-68,
125-13-93,
46-49-54

“Элегант” салони янги тўй кўйлакла-
рини ижарага беради.

Тел: 137-67-76, 137-67-75,
169-56-75.

Манзилгоҳимиз: Ц-6, 94 ўй, 23-
хонадон

**ОИЛА ОГОХЛАНИТИРДИ...**

Илгари хеч туш кўрмасдим. Кўрганларим ҳам кунда эсимида қолмасди. Аммо бир куни галати туш кўрдим. Шундан кейин-
гина тушларда ҳам қандайдир сир-саноат борлигига ишондид. Кайсирир байрам арафаси эди. Ишончада анча ушланниб ўйга
вақуғ алламаҳад бўлганда келдим. Уйдаги баъзи юмушларимни
бажариб, чарчаб ухлашга ётдим. Бир пайт туш кўрибман. Катта-
кон ҳовлимизнинг ўртасидаги айвонда китоб ўқиб ўтирган эми-
шман. Шу пайт дарвозасиз қаттиқ-қаттиқ тақиляй бошлибди.

Югурти бориб эшикни очсан, отам турганиши. Негадир
ковоқлари солинган. Ҳайрон бўлиб: “Нега кирмаяпсиз ичкари-
га? Ахир дарвоза очиқ-чиқ!”-десади.

- Йўқ! Кирмайман. Сендан хавотир олиб келгандим. Нега эши-
гингда калитларингни колдирасан? Агар бирор олиб кетса, сен йўл пайтингда ўйга кириша нима бўлади? Иккичи бундай
килмаган. Дунёда ҳар ҳил одамлар бор-да!, -дека келган йўлла-
рига қайтиб кетаётганиши. Шу орада ҳовлига кириб ўз ишла-
рим билан машул бўлиб юраверидман. Бир маҳал дарвозасиз
яна зарб билан тақиллай бошлибди. Бориб дарвозасиз очай
десам, дарвозасизнинг ўрнида ҳозирги ўйимизнинг яши эши-
ги пайдо бўлганиши. Ҳайрон бўлиб очиб, кўчага чиқсан, ҳеч
ким йўқмиш. Бундай қарасам дарвозасизда менинг калитларим
осиғлиқ турганиши. Уларни олиб ўйга кирайтганимда ўйғониб
кетдим.

Соатга қарасам тунги уч бўлибди. Қизиқ! Отамнинг ва-
фот этанига уч йил бўлса-да, ҳали бир марта ҳам тушимга
кирмаганди.

Кейин калитларимни ҳойидами йўқми, кўрмокчи бўлдим.
Аммо доимига сукмада турдиган калитларим жойида йўқ.
Юрагимга ваҳима тушди. Изламаган жойим қолмади. Кейин
курдан тушими эсладим.

Ичкаридан кулфланган эшикни очиб ташкарига чиқдим ва
калитнинг ўрнига қарасам... Калитларим шодаси билан ўша
жойда осилиб туради.

Ана шундагина раҳматлик отамнинг тушимга кириб огохлан-
тирмаганлари бежиз эмаслигини англадим.

Хамида БОНУ.

“ОИЛА ВА ЖАМИЯТ” АРАЛАШГАЧ

ИСТАК ВА ТАЛАБЛАР ҚОНДИРИЛДИ

Таҳририятимизга Қашқадарё вилояти Қамаши туманинаги
Й.Охунбобови номли деҳкон Фермер уюшмаси аъзоси Тұхта-
мурод Жоълиев огохлантиришисиз ишандан бўшатилганилиги
ҳакида шикоят хати ёзган эди. Ушбу шикоят газетанинг шу
йил 5 май сонидга “Станта бор, онангга бор” сарлавҳаси ости-
да чоп этилди.

Қамаши тумани ҳокими ўринбосари Абдулла Ҳақбердиев
имзоси билан келган хатда ушбу масаласи фермер ҳужаликлари
уюшмаси раиси Н.Хўжамбердиев ҳамда Қашқадарё вилояти
бўйича муҳбирумиз И.Сатторов иштирокида ечилиган. Яъни
Т.Жоълиев вазифасига тиқланган.

Шу йилиннинг июн ойида Қашқадарё вилоятининг Чирокчи
туманинаги Чиали жамоа ширкат ҳўжалигига яшовчи Э.Рахмо-
нов ўй-жой танқислиги масаласида таҳририятта шикоят хати
йўллаган эди.

Газета муҳбiri И.Сатторов хабар беришича, Э.Рахмоновга
уй қуриш ва фойдаланиш учун ўз жамоа ҳўжалигидан 25 сотих
ер участкаси аҳратилган.

Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани А.Икромов жамоа ҳўжа-
лигига яшовчи фуқаро Ойниса Каршибоева редакцияга йўлла-
ган мактубида иқтисоди аҳволи оғирлигидан нолиб шикоят
хати ёзиб ёрдам сўраган эди.

Пахтакор тумани ҳокими У.Яманкуловинг бизга ёзган ха-
барига кўра ҳўжалик раҳбари К.Нишонов, кишлоқ фуқаролар
ийғини раиси О.Кўшибекова, кишлоқ врачлик амбулаторияси
мудири М.Мўминов ва туман хотин-қизлар кўмитаси раиси
Ф.Нурматоловар биргаликда О.Қаршибоевнинг турмуш ша-
роити билан танишишган ва кўйидаги икобий чора-тадбир-
лар кўрилган.

О.Қаршибоевнинг иккя катта ўғли жамоа ҳўжалигига иш-
лаётганилиги учун уларнинг ҳар қайсига 25 сотихдан жаъми
50 сотих ер участкаси берилган бўлиб, ҳозирги кунда у ерга
хар хил сабзавотлар экилган.

Учинчи ўғли Анвар Қаршибоев туғилганидан бери туман
марказий касалхонасида “Д” хисобида рўйхатда турганилиги до-
имиий шифокорлар назоратидаги эканлиги аниқланиб унга ёрдам
бериш чоралари кўрилган.

Л.АХМЕДОВА,

“Оиля ва жамият” газетаси
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири

БИР ЙИГИТГА КЎНГИЛ ҚЎЙДИМ-КУ.

Ҳаёт шундай мураккабки,
манаман деганлар ҳам туш-
кунликка тушиши мумкин.
Дардан тўлиб кетган кўнгил-
ни кимгидир айтиб бўша-
тиш керак. Ўйлаб-ўйлаб
“Оиля ва жамият” рўзномаси
ўкувлайларига қалъ сирларим-
ни очиши маъқул кўрдим.

Менинг ёшим 33 да, тур-
мушга чиқмаганман Ҳаётда
менинг ҳеч нарса кизи-
тирган. Дунёга ҳар ҳил одамлар бор-да!, -дека келган одам-
зод борки нимагадир инти-
либ, нималарнидир ният
килиб яшади, лекин мена
ана шунака ҳаёллар йўқ эди,
сабабини ўзим ҳам билолмай
хайронман. Балки ҳар нарса-
ларни кўриб, кўп ҳаётий вое-
ларни бошимдан ўтказиб шу
аҳволга тушиб қолгандирман.
Ўзим аҳолига хизмат қиласди-
ган ташкилотлардан бирда
ишлайман. Мен шу ишинга
овуниб яшаб юрган эдим.

Сизда савол туғиши мум-
кин-бу касалмикан ёки алда-
ниб колган кизмикан деган.
Йўқ, мен тўрт мучаси соғ,
хеч кандай алдандиб қолган
қиз эмасман. Ҳаётимда
кўпгина менинг ҳалланмокчи
бўлган йигитларга дуч кел-
гандим, мактаниш эмас айни

шу кунларда ҳам бундай одам
йўқ эмас. Лекин менинг
кўнгил уларни хоҳламайди.

Кунлардан бир кун, бир йи-
гитга кўнгил тушиб қолди.
Унинг ёши мендан анча кичик,
яъни 25 ёшда, үйланмаган.
Ҳаётда шунакаси ҳам бўлар-
кан, худди туш кўраётган
одамга ўхшайман. Танишга-
нимизга 2 йилча бўлиб қол-
ди. Мен оддинига ўхшимида
фарқ катталигини, бу унинг
оила аъзоларига ёқмаслиги-
ни, узи тенги ёши қизлар бил-
лан танишиши кўп тушун-
тиридан. Шундай вактлар
бўлдики ўзим кетишини хоҳ-
ламасам ҳам ўзимни маҳбуб-
лаб ёмён гаплар гапириб уни
хайдаб юбордим. У мендан
жудам қаттиқ ҳафа бўлди, лекин
ҳеч нарсани тушуниши
ҳам хоҳламади. Бариб үй-
ланмокчи. Бундан ота-онаси
ҳам хабардор. Мен эса нима
килишга ҳайронман. Аслида
ҳозир ўйлаб ўтирадиган пай-
тим эмас, ёшим ҳам анчага
бориб қолган. Ҳаётимга шу
ёш йигит кириб келиб мени
яшаши кизиқтириб кўйди.
Неча йиллар ухлаб ётган
одамни ўйкудан ўйготиб
юборди. Мени бир савол

қийнайди, уни ота-онаси
ўзлари хоҳласа-хоҳламаса
ўзлини менга үйлантириша-
ди, чунки улар ўғлини
кўнглига қараб иш тутиша-
ди. Лекин менга канака муно-
сабатда бўлишиади. Ўйлаб-
ўйимга етолмайман. Бу киз
ёши катта бўлса ҳам ўйлаб
иш кимламайти, дейшишари
мумкин. Мен шунча ёшина
яшаб, севги нималарига
халигаям тушуниб етма-
гандим. Севги факат кино,
китобларда бўллади, -деб
ўйлардим. Севги ҳаёта ҳам
бор экан. Бунга ўзим ҳам тан
бердим, кеч бўлса ҳам менга
шу улуг туғури насиб этид. Бун-
дан жудам хурсандман. Аммо бу савдони лекини
мени жуда қийнайди. Азиз
юртошлар сиз менга нима
деб масалаҳат берасизлар?

Юрагим, “Бошинга
кўнглан бахт кушини учирив
юбормагин, севган кишиш
билан бирга бўлгинг”, -дэйди.
Ақим эса, “Бу ишни яхши-
мас, ҳамма тенг-тенги билан
бўлиши керак”, -дэйди.
Иккя ўт орасида қолган бир
инсонга тўғри йўлни кўрса-
тирганлар, илтимос!

Р.,
Термиз шахри

ФАРЁД СОЛГАН ЎСИМЛИК

Кишлоқдошимиз Расулмат овчи бир
кизи воқеани айтиб берганди. У табиат
шайдоси бўлиб, уйда энг ноёб доровор
ўсимликлардан ўтиради. Уларнинг кўпини
тиглардан келтирганди.

- Бир куни галати ўсимлика дуч кел-
дим, -дека хикоясини бошлиди. Барглари
қалин-қалин денг. Шунча тогда юриб буна-
касини ҳали учратмагандим. У ўсимликлар-
нинг ичидаги жойиблиги билан ажалиб тур-
арди. Одам бўйи келди. Галати-галати
гуллари ҳам бор. Уни кўрдим, ўйга кўчи-
риб олиб кетмоқчи бўлдим. Хуржунимдан
белкуракни олиб унга қараб юрдим. Ўсимли-
кунинг олдига келиб энди кавламоқчи
бўлганимда кучли чинқириқдан кулогим бит-
ди. Оёқ-кўлим бўшашиб йиқила бошлидим.
Кўзимни очсан ярим тун... Буни юлдузларга
бояр билдим. Ой ёғудсида ҳалиги ўсим-
ликинг барглари товланиб турарди

Шу томонга қараб энди юрмоқчи бўлсам
яна кучли чинқириқ эшилтилди. Биласиз, унча-
мунча нарсадан кўрмайман. Ҳатто айнилар
билин юзма-юз олишган пайтларим бўлган.
Аммо, шу пайтда баданимдан музед тер чи-
киб, кўркувдан даг-даг титрай бошлидам. Тонг
ёришгандага ўйга базур етиб келдим. Тушдан
сўнг эса мактабда ботаника Фанидан дарс
берувчи жийим Назиржоннинг ўйига бор-
дим. Ундан шу ўт ҳакида сўрадим.

- Бундай ўсимлик бизда үсмаса керак, -
деди у китобларни титклиб. Мехригийёх
деган ҳар кўра ҳар кўра ҳар кўра
ишилди. Ҳар кўра ҳар кўра ҳар кўра
ишилди. Лекин кўкармади. Шу
ҳолида катта ўйнинг шифтига осиб кўйиб-
ман. Нимага ишлатишни қандай касаллик
ни даволашни билмайман. Кейинчада
ишилдади жуда афсуландим. Яқинда ўша
токка чиқдим. Қарасам, ўрнидан яна ўсим-
лик кўкармади. Атрофини кўра бил-
дин ўраб кўйидим, -деди хикоясини яқунлаб
Расулмат овчи.

Орадан йиллар ўтди. Бир марта унинг ўй-
ига бориб одамсифат илдизни кўриб ҳам кел-
дим. Лекин атрофи кўралганган меҳригийёх
ўсимлигининг қаердалиги сирлигича қолди.
Гарчанд излашмасин ҳеч ким топа олмади.

БАСИРА

Касбим такососи билан Навоий вилоятидаги бўлганимда мёнга ташкилот раҳбарияти ўзининг хукуқшуносини ҳамроҳликка тақлиф килиши. Мен бундан жуда курсанд бўлдим, чунки бўлажак ҳамроҳим билан қарийб қасбоди эдикда. Мен билан танишган ҳамроҳим ўзини Гулида деб исмими айттаркан "Гули опа дессангиз ҳам бўлади", - деб кўшиб кўйди. Истараси исоси бу аёлнинг ёши 40 ларда бўлиб ҳаётнинг кўпигина ачич-чучигини таътиғанини юз-кўзи.

тидан манмансираб кетишида. Сиз меҳмонхонага кириб телевизорни кўйб ўтира туринг, мён ҳозир бир пастда бি-рор егулик тайёрлайман.

Кўзим телевизорда-ю хаёлим Гули-

- Укажон, - деди опа овкатланиб бўлгач, чой ичарканимиз, менга қараб. Мен хукуқшумосман, инсон рухиятини юз тузилишидан, ўзгаришларидан, кайфиятидан уқиб олишим мумкин. Ка-

ҲИММИЛДИККА

КИРМАГАННИКИЗ

д а

рийб ўн йил про-

курор, катта терговчи бўлиб

ишлаганман, ўша учун ҳозир сизга

қараб туриб нимадир демоқчисиз-у ле-

кин айтолмай-қийналди турганингизни

билиб турмайман, - е адашдими?

Опани топкирлигига қойил қолдим.

- Ха, опа, тўғри тондингиз, уйнингизга

келганимдан бўён мени хаёлимда бир

савол ўрнашиб олиб тинчлик бермаяпти.

- Кандай

савол экан у,

ҳарқалай мен-

га тегишил бўлса керак?

- Сизга тे-

гишили, факат

уни беришдан

олдин бундай

номаъмуди са-

вол учун сиз-

дан узр сўра-

моқчимади?

- Бўёғи

қизиқ бўлди-

ку, яхши уз-

рин гизини

кабул қиласми.

Гул и да

опага пича

разм солиб

турдим-да но-

илож саволга

кўчдим.

- Ешингиз

бир жойга

бориб қолиб-

ди, нега шу

пайтана тур-

муш курмаган-

из, опа?

Берган са-

волим иши-либ

опани ранжитмасин-

да дея унга

карадим.

- Шундай

савол бери-

шин гизини

сезгандим.

- деди Гулида опа мийигида кулиб, - бу-

нинг тарихи узун ужакон, сабр-чидам билан

эшигаолосизми?

- Албатта!

Гулида опа бир нуқтага узоқ тики-

либ турди-да ўтган умрини сўзлай

бошлади.

"Отам катта

бир совхози директо-

ри эди, совхоз эса ўша пайтада тумандा

якка-ягона илгор хўжалик саналарди.

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Дадам яхши ишлаганлиги учунни район раҳбарлари ҳам отамга бошқача қарашиади. У кишининг сўзлари ҳамма жойга ўтади. Мактабни битиргач дадамнинг "бира оғиз гаплари" эвазига Тошкентдаги олийгоҳнинг хукуқшунослик факультетига ўкишга қабул килимид. Ўшандан мэндан баҳти киз бўлмаган бўлса керак, қишлоқда ҳам бўшини бақтариб

ланда

гердайиб

юриши менга

завқ бағишиларди.

Ўкишининг биринчи

ишли яхши ўтди, кейин-

кейин имтиҳонлардан кийналиб қолганимни эшитган дадам ўзлари келиб "карз" паримни тўғрилаб" кетадиган бўлди. Ўша ийллари фокультетда энг гўзал киз мен эдим. Ҳамма менга қараб ҳавас қиларди. Нима кийсан яратар, сочимни қандай турмакласм ҷиройли турарди. Орқамдан юрадиган йигитларнинг саноги йўқ эди. Мен ҳам ҳамма қизлар сингари бўндан курсанд бўлиб роҳатланадим, лекин биронта-сига яхши, тузукроқ жавоб бермаганиман. Чунки ўшандан хаёлимда биргина орузим бор эди. Ўкишин битирриб боргач суд ёки прокурорга ёки уларнинг ўғлига тегаман, кейин аста-секин ўзим ҳам катта юрист бўламан, токи менинг мансабим бирла ишмим тутиб гапиришганди эглиб салом берадиган бўлишиади, дердим ўзимга ўзим. Қанчадан-қанча йигитлар йиллаб орқамдан юришид, менинг багришоти эканлигим, меҳрим, муҳабатим заррача йўқлиги туфайли улар аста-секин кўл силтаб кета бошашди. Ўшандан ҳамхона дугонам "Гули, бекор шундай килапсан, бир кун эмас бир кун уларни увоти тутиши мумкин сени. Билансанни, инсонни увоти ёмон бўлади, у сени бир умр ёқсанга ёпишиб қўйиб юбормай азоб беради", деганди. Аҳаммит бермагандид. Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини кейин-кейин ҳаётим давомида тушуниб ётдим.

Ўкиш давомида ҳам, ўкишин битирриб келганимдан кейин ҳам уйимиздан совчилар оғизи узилган йўқ. Дадамнинг энг суюкли, яхши кўрган қизлар бўлганим учунни ота-онам мени ратимга қарашар, гоҳида ўйланган укмани, турмушга чиқсан сингилларимни эслатиб оизаизорим "тезроқ бахтингни ушла кизим, у бир сендан юз ўтириб учиш кетса сўнг тутолмайсан", деб тез-тез гапириб турардилар. Мен жинни киз эса факат прокурор ёки судьядан бошқасига, ёхуд уларни ўғиларидан ўзга турмушни ушла кизим, у бир сендан юз ўтириб учиш кетса сўнг тутолмайсан", деб тез-тез гапириб турардилар. Келайтган совчиларнинг аксарияти қишлоқнинг оддий йигитларидан бўларди. Бурнимим жирийиб "йўқ" деб турваредид.

(Давоми бор)

Дилшод Қўлдошев



МЕХРСИЗЛИК ҚУРБОНИ БЎЛИШДИ

Мен бу мактубни юрагим тўла дард ва армон билан ёзмокдаман. Максадим дардларимни айтиб бирорсиз

хизматни юртади. Ахир ёшингиз...

- Ҳа, ёшм бир кам 40 да, кўпол

қилиб айтганда хёдта орқада қолиб кетган

кари кизман.

- Ҳар бир нарсанинг, ҳар қандай та-

дир фожесининг ҳам сабаби бўлади,

сизнинг ҳам...

- Сабабим, - деб оғир ҳўрсанди Гу-

лида опа, менинг ийнинг бўшлар-

кан-Сабаби мағрурликда, мансаб ке-

опам бечора ҳаётдан кўз юмди. Онам, ҳаммамис йиглай-йиглай қолганларимизга Яратган Этамдан умр тилаб яшай бошлади. Лекин 1994 йил 22 феврал куни учинчи акам оламдан кўз юмди. Бечора акам сингилсиин ўйлай-ўйлай жигаридан айрилган экан. Ўзи ҳам сезмас ишлаб юравериди. Дўйтиларлар сарик, ўтиб кетган экан, дейишиди. Шундай қилиб, опам 24 ёшида, акам 32 ёшида бокий май бошим кетарди.

Гули опа озигина фурсат ичиди егулик тайёрлаб келиб дастурхон ёди. Опанинг бир пастда чой ҳам дамлаб келиб чой қайтишларини, чакъон ҳатти-ҳаракатларини кузатарканман ҳавасим ортди. Опа-нинг "олинг-олинг" идан сўнг тамадди қиларканман яна бир бора бу аёлни яхшигина пазандалигига, ораста-ю озода бекалигига амин бўлдим.

наш билан ўтди. 1999 йил опамни ахвоти ёмонлаши борди. Яна касалхонага олиб бордик, лекин ўзгариши ўрнига кундан-кунга оиз-тўзбум кета бошлади.

Буни кўриб сингилм иккимиз "Отажон, мол-холи" (холовимиз молга тўла эди) сотиш қаратайлик, деб ялиндик, йигладик. Лекин тошбагир отам учинчи боласи ҳаётига ҳам бефарқ қарди. Ох, бемехроҳи ҳафтакаттик ота, мол-дунёни боладан устун кўрди. Бизни қаттиқ ҳаёткортаб уришиб, жеркир берди. 1999 йил 9 июл куни беш жигаргашасин, дилбандини ўтгай онага ташлаб, онамни қон қашқатиб учинчи жигарим ҳам дунёдан кўз юмди...

Мана шундан бери юнсан ҳайкалман, факат вуҳудим қолган. Кани, азизлар айтинглар, мен энди нима қилим, учта жигаримдан айрилдим. Менга алам килган томони шуки, агар то болаларига нисбатан озигина меҳр-окибати бўлганди, болам-жоним деб сидқидилдан қараттади балки улар яшаб қолармили? Қаровсизлик қурбони бўлдиларинг жигарларим... Ох, Ҳудожоним нима учун бундай қисматини ономаси пешонасига ўздиринг. Ахир онам ҳеч қачон бирорга озор бермаган эди-ку. Аксинча келинларга ўз оналаридан афзал қайнона, набирларига ширишсиз эна-ку... Ортдошларим, нима учун менинг айнан учта

жигарим бу кенг дунёга сифмади. Ахир шунча одам сиккан дунёда улар ортиқчамиди? Нима учун? Нега? Нега?... Саволларимга жавоб излайман. Одамнинг хушумошалиги, ширинсўлиги хусн-малоҳати ҳам бошига ташвиш келтирашкан. Шу учта хислат жигарларимда мужассам эди. Балки бошқа айрим одамларга ўхшаб озигина жаҳулдор, кўрсак мол-холи бўлгандан дув-дув ёш, қалбимда алам. Бундай кунни душумимга ҳам раво кўрмайман. Ҳаётга кизиқишим умуман колмади. Лекин Яратган Этам-Оллоҳга минг марта шукронада бўлсунки, мен учун дунёдан энг азиз меҳрибон сунянган тобим - Онажоним ва кўзимнинг оқуораси меҳрибоним-азиз сингилм бор. Ана шу иккни инсондан худоим мени жудо қилмасин. Шулар учун яшашим керак. Бу дунёни тарик этган жигарларим, сизларга тилимаг, коронуғу ўрингиз ёруғ бўлиб, гулга, нурга тўлсин, оҳиратингиз обод бўлсин!

Сизлар кўрмаган кунни биз шешта жигарингиз кўрайлик, бизга Оллоҳ умларинингизни ўтишиб берсиз.

Хурматли таҳририят! Сизлардан ўтишиб сўрайман, хатимин албатта чоп этинг. Токи менинг ўшаш тош тошириларидан сўнгир кўзлари очилсин. Азиз ва мўтабабар юртошларим! Бу борада сизларнинг фикрларингизни қандай?

A.,
Сирдарё вилояти.

СЎЗ БИЛАН ДИЛГА ҮТ ЁКИШИНГНИ КУТДИМ



ЙУЛДОШ СУЛАЙМОН

ОЛИС ЭМАС

Эндиғина қадам кўйибсан ёзга,
Бугунга нарвон эт доим кечани.
Куз ҳали олис деб бўлма хотиржам,
Кейинга қолдирма асло режани.
Атрофга қарайман, кўлоқ тутаман,
Бир ёши каттанинг юрак сасига.
Нима бўлди унга ўз мушти билан
Урятти ўзининг пешонасига?!

АЛАМЛАРИН ОЛДИЛАРМИ?

Гўзаллигу малоҳатинг таъриф кетиб,
Ошиқларнинг зори кетиб, зари кетиб,
Билиб-бilmal бор-йўгини сарф этиб,
Изларнингдан юриб-юриб, қаріб кетиб,
Ўзинг эса, хомхаллар сари кетиб,
Ва охри хуснинг кетиб, пари кетиб,
Аламларин олдиларми нари кетиб?!
Бирортасин этагидан ушламадинг,
Энди дилни тифлајсан бари кетиб!

АЗИЗ

Алишер Ибодиновга

Пайгамбар босиб ўтган издай азиз,
Хадисларда битилган сўздай азиз.
Таомни таом этган туздай азиз,
Саратон кўйидиргандан муздай азиз.
Дунёни кўриб турган кўздай азиз,
Имонни нур балқиган юздай азиз,
Донишманд ҳаммага ҳам ўздай азиз.
Бормикин бир-бирига биздай азиз,
Ҳақни айтсан менга ўйқ Сиздай азиз!

АТРОФИМ ЧАРАКЛАР

Кун бўйи яна сим кокишингни кутдим,
Хәллар бағрида окишингни кутдим.
Сўз билан дилга ўт ёкишингни кутдим,
Фарғонадан менга бокишингни кутдим.
Телефон жаранглар худди кўйга ўшаб,
Сенинг ҳақингдаги ширин ўйга ўшаб,
Ҳали овозининг эшитмасдан туриб,
Атрофим чараклар катта тўйга ўшаб!
Сўзинг томиримга жўш урган қон кўшиди,
Сен билан баҳтиёр онимга он кўшиди.
Хайратдаман, яна каромат кўрсатиб,
Бўшашган йўлдошнинг жонига жон кўшиди.

Мактабда ўқиб юрган кезларим расм муаллими Гулнора ола ҳаргал она суратини чизишни буюрар. Бу вазифани 32 нафар ўқувчидан биргина Ферузда улдадарди. Ўшанда мен ҳам дугонамга ўхшаб чироили суратлар чизишни жуда жуда хоҳар эдими, афсуски бу вазифани улдадай олмасдим. Бъзан эса болалигимга бориб йиг'лаб ҳам олардим. Мен аямни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўрсаму, нега унинг кулиб турган сиймосини қозога тушира олмайман? — деган савол кийнарди.

Онани юракдан яхши кўриш, ардоклаш мумкин экану, аммо бу меҳрни мўйқаламда ифодалаб бериш мушкул эди. Йиллар ўтиб улғайч ба ҳакиқатни бухоролик Зебинисо чизган суратлардаги она кўзидаги улкан дунёни, севгилисини интиқоб кутаётган қизнинг кўзидаги кеч ким англомайдиган соғинчни, хавотирни кўриб англадим.

Мен Зеби

Шарипова

чи зиган

расмлар.

уларнинг

ўзига хослиги ҳакида турли давраларда шэйтарт эдими, очиги унинг суратларини кўрмаганман. Мана шу қизиқиши, ёки ички бир руҳият мени Зебинисо томон етаклади. Мана мен ун ҳар доимигдек суратлар даврасида учратдим.

— Зебинисо, биламан бу суратлардаги қаҳрамонлар сизнинг энг якъин кишиларнинг. Шундай бўлсада уларнинг ҳар бирга алоҳида кисмат, тақдир эгалари. Шундай эмасми?

— Буларнинг биро менинг онам, отам, синглим, бъзан кўнглим, бъзан ўйлим етмаган хоёлга айланган ёрим. Уларни суратга солишибдан кўра калбимда ардоклаш юриш мен учун ўзиророк.

— Янги бир асарни дунёга келтираётган пайтингизда қандай ҳолатта тушасиз?

— О, бу ифодалаб бериш мушкул бўлган жавоб.

Биласизми, мен ҳамиша қаҳрамонларим кайфияти, руҳияти билан яшайман. Шундай ҳоллар бўлади-ки, кичкинагина детални кўнгилдагидек чиқариши учун 3-4 ойлаб кўйиалиб юраман. Бъзан катта бир асарни 15-16 дақиқанинг ўзидаёт қизиб кўяман. Шундай “Зеби сен ўзи қанака қизсан?” деб ўзимдан хайрон бўламан. Агар чизган суратларим ёкмаса “Мендан яхши рассом чимкайди” деган хоёлга бораман. Кейин ҳаммаси яна бошдан бошланади.

— Сизга ёқадиган энг яхши суратни кимдир танқид қиласиз?

— Ҳар кимнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари, фикрлари ҳар хил бўлганидек, хулоса қиришини ҳам томошабининг ихтиёрига ташлаб қуяман. Кимгadir ҳаётдан манун холда турган баҳтиёр она сурати ёкса, кимгadir чукур қайтуга ботиб турган аёй ҳолати ёқади. Шундай экан мен мақтовори ҳам, танқиди ҳам бирдай қарши оламан.

— Нима учун қаҳрамонларнинг юзлари, лаблари кулиб турадио, кўзлари йиг'лади. Масалан: “Сароб”, “Келин”, “Йиги”, “Туш”, “Лўли бола”, каби асарлардан, демокчиманки, нега сиз кўпроқ кўз образини биринчи планга олиб

ЧИҚАНСИЗ?

— Кўз юракнинг ойнаси. У одамнинг ички дунёсими очиб беради. Рассомлар аслида жуда ҳам кам гап бўладилар. Улар айтмоқчи бўлган фикрларини ўй-ташвишларини ўз асарларидаги қаҳрамонлари орқали ифодалашади. Кўзлар одамнинг кимлигини, ички дунёсини айтиб беради.

— Зебинисо, расмларини зигдаги аёллар образида мен кўпроқ сизнинг аксингизни, яъни иккинчи Зебинисони кўргандек, қашф қилгандек бўлдим?

— Одам ўзини билмай туриб бошқаларни тушунмайди.

Ўзингизни яхшироқ билиш учун ўзгalar қалбига яқин бўлиш керак.

— Кўпчилик ижодкорлар оила курсанг яхши ижод қула олмайсан. Майда-чўйда ишларга ўралашиб коласан,

АЗИЗ МЕХМОНИМIZ

сизга эътибор беришларини, севишларини хоҳлайсиз. Шундай эмасми?

Бу саволимга Зебинисо жилмайгиба елка кисди. Унинг чакнаб турган кўзлари барибир меҳра, муҳаббатга ташна эканлигини англатиб туради.

— Сизин кўпроқ ижодчилига нима мажбур қиласиди?

— Муҳаббат, ҳижрон, ёлизлилик.

— Зебинисо мана сиз билан З соатдан ортиқ субҳатлашиб ўтиридик. Оғизига айтсан характерингизни қандайлигини билолмадим?

— Баъзан шўх шаддод, баъзан одамови бўлиб қоламан. Энг муҳими одамлар орасида булигим, ҳар дақиқа уларни соғиниб яшагим келади.

— Қандай кийимлар кийишни ёқтирасиз?

— Онажонимга ўхшаб буҳороча кийимларни, момоларимиз тақкан тақчончоларни тақишини яхши кўраман. Қани энди ҳар бир боғсан қадамимда онажонимнинг нафаси уфуриб турса. Онам менинг энг якин устозим. Дугонам каттиқўл тарбиячим бўлгандар. Яқинда Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий Кўргазмалар Залида ўтказилган “Хотирот” деб номланган асарларим кўргазмасини онам Турсуной Бобумурода хотирасига багишилади. Шундай ажойиб дамларга этишган кунимни онам раҳматлик кўрганларида қанчалар хурсанд бўлишларини қалбим билан хис этдим. Бу меҳр туйгуси мени янада яхшироқ ижод қилишга ундар балки.

— Суратларнингизга кетган сарф-харажатни қаердан оласиз?

— Уста бирлашмасида рассом бўлиб ишлайман. Чизган суратларини устахонага элти бераман. У ерда сотилганларни пулига яна сурат чизиш учун керакли мато ва бўёкларни оламан.

— Кўргазмаларнингизни ўтказиш учун ёрдада кўлини чўзидиган ҳоммийларнинг ҳам бормори?

— Хозирча йўқ. Мен нимаки иш қислам ўзим учун эмас, ҳалқимизнинг маданияти, қолаверса фарзандларимиз учун килаляпман. Майли орамизда саҳиб одамлар кам эмас. Шундай деб ўзимни иолатаман.

Шу ўринда бир нарсани ўзиб кетишининг жуда-жуда истади. Менинг бовам Шарифжон Садри Зий ёзувчи Садриддин Айнининг биринчи устози бўлганлар. Бовам буҳоролик қози калонлар ичиде энг маърифатлиси бўлганларни киляпман. Уларнинг ўтуғларини кўрсалар биринчи бўлиб разбатлантирганлар. Мен ҳозир ана шундай инсонлар кўпайишими истадим.

— Мазмунли субҳатингиз учун ташаккур. Биз ҳам ўз нағбатда ижодингизга камолот тилайдиз. Ўзбекистонда рассом аёллар сони янада кенгаяди деб умид қиламиз.

Н. РАҲМОНОВА
субҳатлашибди.

деб фикр юритишиади. Сиз бундай қарашларга қандай муносабат билдирасиз?

— Йўқ, нотўғири ўйлашади. Мана ўшим ўтган сари мен ўзимни ўша меҳрибон ёрга, шириндан-шакар фарзандларга муҳтожлигимни хис қиляйман. Инсон њех қачон ёлгиз яратимайди.

— Кўпичча бизда қизлар севгисини, ёқтирган йигитидан сир тутиб, қийналиб яшайди. Натижада ўтиқтаган инсонни бошқа бирорлиб кетади. Сизнинг ҳаётингизда ҳам шундай воеқа юз берганими?

— Ҳа, бўлганд. Лекин бу сир.

— Қандай йигит билан турмуш куриши хоҳлайсиз?

— Яратган асарларимни мендан ҳам кўпроқ севадиган, ҳар дақиқада мени яшашга, ишлашга учдаб турдиган йигит билан.

— Агар шундай йигиттага турмушга чиқсангиз, у бир умр ҳаётдаги Зебинисо эмас, суратлардаги Зебинисони севиб, бутун меҳрини унга багишилаб яшаса фикрингиздан қайтиб қолмайсизми?

— Билмадим. Буни ҳаёт кўрсатади.

— Барibir аёлсиз ҳаммадан, ҳамма нарсадан кўпроқ

ОБУНА ИНДЕКСИ

— йяқа обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г-0558

33625 нусхада чоп этилди.

Формат А-3, ҳажми 2 босма тобок.

Бахоси эркин нарҳда.

Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи — Х. МАҲАМОЛОВА.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош мұхаррір — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур ёчаси,
1-тор ёчча, 2-үй.

«Шарқ» нашриёт-матбাা концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон ёчаси, 41-үй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воеқалар, маълумотлар учун мұаллиф жавоб-гар хисобланади.

Мұаллиф фикри таҳририят нұктасы назаридан фарқ қилиши мүмкін.

Кўлбўзмалар таҳлил килинмайди ва мұаллифларга қайтарилмайди.

Oila va jamiyat

ХОММИЙ

«Матбуот тарқатувчи»

акциядорлик жамият